
Бугундан муддатидан олдин сайловга овоз бериш бошланди.
Хурматли тумандошлар, қадрли сайловчилар!

Бугундан муддатидан олдин сайловга овоз бериш бошланди.

Хабарингиз бор, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи **муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга**. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза билан участка сайлов комиссиясига мурожаат қилади.

Сайлов кодексининг **57-моддасига** мувофиқ муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади. Яъни, **бугун-12 декабрь куни соат 09-00дан бошланиб, 18 декабрь соат 18-00 га қадар** ўтказилади.

Қадрли сайловчилар!

Агар, сайлов куни ўз яшаш жойингизда бўлиш имкониятингиз бўлмаса, **муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқингиздан фойдаланинг**.

Бунинг учун ўз ҳудудингизда жойлашган участка сайлов комиссияларига **шахсингизни тасдиқловчи хужжат билан** мурожаат қилишингиз лозим бўлади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-12-12 12:58:01